



«Дархакикат, фитна хукм сурганда асл иймон Шомда сакланади». (Хоким, 8554; Ахмад, 21733; Ибн Асакир, 110-1; Табароний «аш-Шамиин» муснадида, 1357. Имом Захобий ушбу маълумотни саҳиҳ деб топди.)

«Такводорларнинг таянчи Шомдадир». (Имом Ахмад «Муснад»и, 28/165. Тадкикотчилар ушбу ҳадис силсиласини яхши деб топишди.)

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам

1798 йили Мисрни босиб олиш мақсадида Наполеон Бонапарт кўмондонлиги остидаги француз ҳарбий Экспедицияси кемалари Исзндария киргогига яқин келди. Аввал

бошида Бонапарт Наполеон ахаллий ахолига факат маданияту тараккиётни кенг оммалаштириш :аксадидагина келганини пеш килди. Бирок Миср ахолисининг мувах-идлари бундай хийлага алданишмай, французларга карши «Биринчи фхира инкилоби»ни бошлаб юборишди. Ана шунда боскинчилар-шнг асл башараси очилди. Маълум бўлишича «маданият ва тараккиёт арафдори»нинг кора калбида салиб юришининг ўта хунук мероси ав(алгидай сакланиб колган экан. Француз отликлари ал-Азхарга бостириб кирди, артиллерия бўлинмалари эса курулларини Мукадтамга (Мукадтам - Миср пойтахтининг якинидаги тог бўлиб, унда Кохиранинг энг йирик масжидларидан бири - Мухаммад Али масжиди жойлашган.) ўрнатганча масжидларни тўпга тутишди.

Инкилобий каршиликни тириклайин кўмиб ташлаганига тўла-тўкис ишонч хосил килган Наполеон боскинчи армия кўмондони лавозимига Миср мусулмонларини оммавий равишда кириб, кўли конга ботган Клебер исмли бошка француз харбий жиноятчисини тайинлаб, Европадаги бошка халкларга нисбатан тузган жиноий режаларини рўёбга чиқариш мақсадида Франциясига кайтиб кетди. Ана шунда...

Озодлик учун курашчилар хар ерда бош кўтариб, Мисрни боскинчиларнинг оёғи остидаги чўғ кўчкисига айлангириб юборишди. Юкори Миср ва юртнинг сохил бўйи ахолиси боскинчиларга карши оёкка калкиди. Мусулмон биродарларига ёрдам бериш учун Макка ва Мадина араблари орасидан чиккан кўнгиллилар гурухлари етиб келди. Усманий халифа Салим III розияллоху анху эълон килган урушда иштирок этиш учун минг-минглаб усманий турклар Кохира томон яширинча йўл олишди. Ал-Азхардаги марокашлик толибларнинг уйлари халк лашкари жангчиларининг ётоқхоналарига айланди.

Шунингдек, ал-Азхардаги Шавам ер ости йўлларида Фаластин толибларининг халаблик Сулаймон Халабий исмли Сурия курдларидан чиккан ёш йигит бошчилик килган яширин гурухлари шаклланди. Боскинчиларга карши курашда Шом ахолиси мисрлик биродарларига якиндан ёрдам беришга бел боглади. Зобит французлар томонидан Сулаймон Халабийга Аллохнинг Китоби бўйича дарс берган устози - ал-Азхар шайхи Шарковийнинг ўлдирилиши, шунингдек, Сулаймон тахсил кўрган илм даргохи - ал-Азхар масжиди хор килингани шомликларнинг журъатини янада кучайгириб, боскинчиларнинг адабини эсидан чиқармайдиган даражада бериб кўйишга туртки берди. Ёши хали йигирма иккига тўлмаган йигит Сулаймон Халабийнинг калби газабга тўлди. Газодан етиб келган фаластинлик дўстлари билан бирга француз кўшинининг бош кўмондонига суикасд килиш мақсадида махсус операция ўтказишни режалаштирди. Газода ясалган ханжарини кўйнига солган Сулаймон Халабий Аллохдан унга галаба тилаб дуо килиб колган дўстлари билан видолашди.

Операция муваффакиятли якун топиб, Шомдан чиккан курд халкининг асл фарзанди мусулмонларни Жан-Батист Клебер исмли харбий жиноятчидан халос этди.

Энди «эрк, маданият ва инсонпарварлик тарафдорлари» кўлга олинган Сулаймон Халабийни кай ахволга солганини кўринг.

Дастлаб французлар Сулаймон Халабийнинг кўлини суяклари корайиб очилгунча ўтда куйдиришди. Шундан сўнг жаллодлар махсус операция иштирокчилари - Газо халкининг хакикий фарзандлари бўлмиш фаластинлик кахрамонларни хибсга олишди. Ислонни Мисрда химоя килишда Сулаймон Халабийга якиндан ёрдам беришганига ишонч хосил килишган боскинчилар ушбу йигитларни Сулаймоннинг кўз ўнгида тириклайин ёкишди. Сулаймон Халабий розияллоху анхунинг ўзини эса «тараккиёт таркатувчи» французлар ниҳоятда кабирх усулда ўлдиришди - танасини чормихга тортгач, корнини милтик найзаси

билан ёриб, тиригича тилка-пора килиши учун йирткич кушларга кўйиб беришди. Ана сизга одамларни вахшийларча ўлдирадиган «юксак маданият сохиблари»! Француз боскинчилари бундай аблахона жиноятла чекланишмади. Улар Сулаймон Халабийнинг бош суягини Парижга юбориб «Инсон музейи»га (Инсон музейи - Париж табиатшунослик музейининг антропология филиали.), ёрлигига «Criminal» (жиноятчи) ёзувини битганча томошага кўйишди. Мана 200 йилдан зиёд вақт ўтибдики, ўз университети, профессор-ўқитувчилари ва динини французларнинг боскинчи армияси кўмондонидан химоя қилган йигитнинг бош суяги Франция музейида сақланмоқда. Юкорида баён этилган ходисанинг соғлом ақлга тўғри келмайдиган, истехзо ила қараб ўтмасликнинг иложи бўлмайдиган жойи шундаки, ҳаммага маълум ушбу воқеа юзасидан тарихий тадқиқот ўтказар эканман, француз манбаларидан топилган маълумотларга қараганда, Сулаймон Халабий бундай қисматни турклар унинг отасини солиқ тўловидан озод қилиши учунгина танлаган эмиш. Аслида эса бу гапларнинг бари француз генералларининг ўз жиноий қилмишларини яшириб, ўзларини оқлашга уриниш учун топган бахонасидир. Зеро, Франция халқи ўз харбийларининг бундай вахшийлигини, ушбу жиноят мусулмонларга қарши содир этилган бўлса ҳам, макбул топишмаган бўлар эди. Бинобарин, улар ўтмишда кўпдан-кўп халқларга қарши содир этган ўхшаш жиноятларини беркигишга уриниб келишган. Уларнинг жиноий ўтмишига яна бир мисол тарикасида француз флоти 1827 йили Жазоирни босиб олиш учун бориб, ушбу юрт халқига қарши содир этган жирканч жиноятларини келтириб ўтиш мумкин дир балким. Нима учун Франция истило қилиш учун айнан Жазоирга бостириб кирган? Жазоирни озод қилган авлодга асос солган жазоирлик раҳнамо ким бўлган?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан